

Рационалликнинг янги педагогик технологияларда ва креатив тафаккурдаги ўрни

Ф.Н.Усмонов

***Аннотация:** В статье раскрывается роль рациональности в новых педагогических технологиях, её значение в креативных и творческих процессах, а также вклад в гармоничном развитии молодежи.*

Инсон ўзини ва дунёни билиш даражаси аввало, ижтимоий шароитга, ишлаб чиқарувчи кучлар ва уларнинг эҳтиёжларига ҳамда, ишлаб чиқариш муносабатларига боғлиқдир. Турли даврлардаги кишиларнинг билиш даражаси, фан тараққиёти, техника ривожига ва қўлами жамиятда ишлаб чиқариш усули қўйган вазифалар билан белгиланади. Инсон дунёни ва ўзини билиш билан чекланмай, балки, билиш натижасида ҳосил қилинган билимлари орқали табиат ва жамиятни, ўзини, ўз онгини, маънавий дунёсини, атрофидаги ўзгариш ва ривожланишларни ўзлаштиради, ҳамда ўзгартиришга ҳаракат қилади. Бундай ўзгариш ва ўзгартиришлар асосида рационал ва креатив тафаккур ётади. Хусусан, “Ҳеч кимга сир эмас - биз кураётган янги жамият, ҳаётимизга тобора кириб келаётган янгиликларни, ислохотларнинг тақдири ва келажаги, аввало халқимизнинг бу ўзгаришларни қўллаб қувватлашига, жойларда бу борада одамларимизнинг фаоллиги, уларнинг дунёқараши, онгу тафаккурининг юксалишига боғлиқ”[1] дир.

Фалсафада ижоднинг рўёбга чиқиши ва ривожланиши шахснинг рационал фикрлаши орқали ўз истейдодига мос фаолиятининг юз бериши муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай фаолият ижодий тафаккурнинг доимий ривожланишини таъминлайди.

Инсон камолоти рационалликка боғлиқ. Ақлнинг мақсадга мувофиқ ва оқилона ҳаракат қилишида рационаллик намоён бўлади. Рационалликка, илмий (яъни объектив, умумий, зарурий) билимга билишнинг манбаи ва унинг ҳақиқийлиги мезони-ақл воситасидагина эришилади.

Рационал тафаккур назарий билиш фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. “Ақлий фаолиятнинг моҳияти ўз-ўзига етарли даражада эркин когнитив ижод орқали аниқланилади. Бунда назарий тафаккур интеллектуал интуиция кўринишида бўлади. Уларнинг мақсади ва натижалари нарсаларнинг асосий типи “идеал объектлар” тузилишида бўлади. Идеал объектлар дунёси назарий билиш даражаларини эмпирик билишда баҳолайди ва онтологик асосда кўрсатади”.[2] Рационалликнинг билиш жараёнидаги тутган муҳим ўринларидан бири янги билимлар ҳосил қилиш ҳисобланади. Янги билимлар инсон ақлий билишининг ҳосиласидир.

Янги билимлар яралишида рационаллик билан бирга янги педагогик технологиялар ва креатив тафаккурнинг аҳамияти муҳим. Креатив тафаккурни ривожланиши XXI аср фалсафасининг шаклланиш жараёнига

табiiй, техник ва ижтимоий-гуманитар фанларда содир бўлаётган туб парадигмал ўзгаришлар муҳим назарий, концептуал ва методологик таъсир кўрсатмоқда. Фанларда юз бераётган постноклассик янгиланишлар ҳозирги замон фалсафий ва илмий дунёқараш таркиби ва мазмунини ҳам ўзгартиради. Инсоният глобаллашган, ахборотлаштирилган ва компьютерлаштирилган ижтимоий-иқтисодий ва маданий тузилмалардан иборат бўлган постиндустриал цивилизация дунёсига кириб келди. Бу цивилизация ўтган асрда жамланган барча креатив потенциалларни ишга солиб, маълум жиҳатдан инқилобий бўлган постноклассик маданият, фан ва технологияга асосланган инновацион оламни бунёд этмоқда.

Хўш, савол туғилади. Креатив нима дегани? Ижоддан нимаси билан фарқланади? Инсон камолотида ўрни борми? Ақл ривожланиши унга боғлиқми?

Бу саволларга жавоб топиш жараёнида қуйидагиларга тўхталдик. Креатив – бу бирор янги нарсани рўёбга чиқариш қобилияти. Муаммони янги ечимини топиш, янги усуллар яратиш ёки янги санъат асарларини яратишдир.

Креатив тафаккур бошқалардан кундалик ҳаётда юксак интеллект ва муаммоларни рационал ечимини топиши орқали ажралиб туриши билан фарқланади. Лекин у тез-тез интуиция билан иш кўриб иррационалликка ҳам яхши баҳо беради.

Креативликни ўрганиб, таҳлил қилиш жараёнидатурли меъзонларини ишлаб чиқдик. Уларга;

- тезлик – кўп ғояларни бир вақтда вужудга келтириш;
- эгилувчанлик – муаммоларни ечимини топишда турли хил стратегияларни қўллаш қобилияти;
- оригиналлик – ностандарт ўзига хос ғояларни яратиш;
- ишланганлик – вужудга келган ғояларга алоҳида-алоҳида ишлов бериш;
- зийраклик – муаммоларни ечимини топишда қабул қилинадиган турли хил маълумотларга зийрак бўлиш;
- абстракт – муаммонинг мағзини тушиниш;

Креатив тафаккурни ривожланиши кўп ҳолларда тасаввурга боғлиқ. Ижодий тафаккурда тасаввурнинг ўрни катта, лекин ундан фарқли равишда илҳомнинг ҳам аҳамияти бор.

Фанда тасаввур уч турга ажратиш қабул қилинган. Булар;

- мантиқли-мантикий ўзгартиришлар орқали келажакни ҳозирги даврдан чиқариб беради;
- танқидий – мазкур объектнинг (техника, таълим тизими, умуман ижтимоий ҳаёт) такомиллаштиришга, ўзгартиришга муҳтож томонларини излайди;
- ижодий – тубдан янги, реал дунёда мавжуд бўлмаган, лекин асосида реал воқелик элементлари ётган ғоялар, тасаввурларни яратади.[3]

Ижод жараёнда тасаввурнинг вазифаси тафаккурнинг андоза ва қолиплари билан чекланиб қолмасдан одатдагидан бошқа, оригинал

қарорларни қабул қилишдан иборат. Фанда гипотезалар яратиш, ҳаёл суриш ва тасаввурсиз бирор фойдали натижага эришиш мумкин эмас, чунки тажриба маълумотларидан умумлаштирувчи назарияга олиб боровчи қатъий мантикий йўл йўқ. Тасаввур билимларни бир соҳадан бошқасига кўчириш, ҳамда бу билимларни қайта ишлаш, ўзгартириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Тасаввур томонидан яратилган образлар таркибига ўтмиш ва ҳозирги даврни қайта ишлаб чиқариш билан бирга келажак элементлари ҳам киради. Ўтмиш ва ҳозирги давр келажакка яқинлашган сайин билиш тобора ижодий жараён бўлиб бораверади.

Тасаввур инсонда ёшлигидан вужудга кела бошлайди. Уни ривожлантириш кўп маънода ўқитиш усуллари билан боғланиб кетади. Тасаввурнинг ривожланиши, у асосида эгилувчанлик ва фикрлар оригиналлиги меъзонларининг шаклланиши қуйилаги ўқитиш услублари билан боғлиқ:

- хикояларда образларни қўллаш ва ўқувчиларни бунга чорлаш (барча тадқиқотчилар буни тавсия этади);
- масофавий тафаккурни ривожлантириш. Барча ўқувчилар гапираётган нарсасини кенг қўламда тасаввур қилиши тавсия этилади;
- ўрганилаётган объект билан ўзини ассоциациялаш;
- дидактик ўйинларни қўллаш, “имкониятсиз” ўйинларни ҳам;[4]
- аналогиядан фойдаланиш (ҳамма нарсани текшириб кўриш тавсия этилади);
- “ақлий хужум” усулидан фойдаланиш;

Креатив тафаккурни шаклланиши хусусида узок йиллар давомида олимлар томонидан етарлича тажрибалар тўпланган. Масалан, А.Осборн креатив тафаккурни ривожлантириш учун таълим жараёнига бир қанча босқичларни тақдим этади ва бу таълим оловчиларнинг фаолиятини муаммовийлигига асосланади. Муаммонинг қўйилиши, уни турли жиҳатлардан шакллантириш, муаммони яхшироқ тушиниш ва ечимини топиш имкониятлари учун фактлар тўпланиши, онгсизлик қобиғини фаоллаштиришда ғояларни излаш, муаммони топиш, бунда айтилган ғоялар таҳлил қилинади ва баҳоланади. Яхши ғояларга яна ишлов берилади.[5]

Инсон камол топишида креатив тафаккурини ривожлантириш асосан ўқитишда ўйин ва интерфаол услубларидан фойдаланиш самараси катта. Қисқа қилиб айтганда, “Мақсад гапни чўзиш эмас, балки ўқувчини зериктирмаслик. Чунки доимо бир хил нарсага қарай бериш малоллик ва сабрсизликка олиб келади”.[6] Шу қаторда, “тафаккур эгилувчанлигини, ижодий тафаккурнинг кўп маъноли контекстларини муайян даражада рағбатлантириш мумкин. Чунончи ёшликдан бир тизимда, рационал тарбия бериш, изланиш фаолиятини рағбатлантириш, ўқитишнинг турли интерфаол усулларида фойдаланиш натижасида ижодий тафаккурнинг ривожланишига эришиш мумкин”.[7] В.Н.Сорока-Расинскийнинг ёзишича: “Бола ўйинсиз тўғри ривожлана олмаслиги каби, катта ёшдагилар ҳам меҳнатсиз мавжуд бўла олмайди”.[8] Ўйин бола учун кўнгилхушлик эмас, балки, маънавий ва

жисмоний кучнинг ҳаракат ва нарсаларга табиий айланишидир. Болалар асосан катта кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларини қилишади. Масалан, кўғирчоқларини доктор бўлиб даволайди, ўйинчоқ машинасини қизил чирок ёрдамида тўхтатади ва бошқалар. Бунда болалар бир вақтнинг ўзида ҳам сценарий муаллифи, ҳам актёр, ҳам режиссёр бўлади. Кўриниб турибдики болаларнинг креатив тафаккури ривожланиши бошланмоқда. Кейинги босқичда, болалар ўзларини катталардек тутиш ўйини таълим соҳасида ҳам қўллаш мумкин бўлади.

Таълимга ўқувчиларни қизиқтиришда асосан ўтилатган фанлар ўқувчиларга нима учун кераклиги ва қаерда қўллаш мумкинлиги билан жуда ҳам боғлиқ. Агар ўқув материали болаларга қаерда қўлланилиши билан боғлиқ ҳолда ўқитилса уларни қизиқтириш осонроқ кечади. Дарс жараёнида анъанавий усулларда мисолларни келтиришдан кўра ҳаётий мисолларни келтириш уларда қизиқиш уйғотади ва дарснинг маъно-мазмунини ўзгаришига олиб келади. Бунда тасаввур қилиш асосий ўрин эгаллайди. Мисол учун, ўқувчи физика фанидан берилган масалани еча олмайди. Масалада юк машинасидаги ғиштлар сонини топиш керак эди. Лекин ҳаётий зарурат юзасидан бола ўзини қурилиш бошлиғи деб тасаввур қилди ва бу мисолнинг жавобини осон топди. Ёки, интерфаол ўқитиш усулларида ақлий хужумга тўхталамиз. Ақлий хужумнинг мақсади-вақтни фақат ғояларни ривожлантиришга йўналтириш, кўпинча асосий вақт ғояларини майдалашга қаратилади. Гуруҳда ҳар хил фикр ва тажриба бўлганлиги учун имконият ўз фикрингизни ўзгартиришга берилади. Бу вазиятда қарама-қаршиликни олдини олиш учун тушунтириш ишларини олиб бориш лозим бўлади. Яъни уйин давомида иштирокчилар бир-бирларини тушунишга ва тан олишга ҳаракат қилишлари керак бўлади.

Бу усул асосан қуйидаги ҳолларда қўлланилади;

- Муаммоларни ва масалаларни ечишда;
- Қийин вазиятда муаммони ечишда;
- Ўзгаришсиз қолган ҳолатда;
- Гуруҳни жипслатиришда;
- Альтернатив вариантларни қидиришда;
- Аргументларни қидиришда;
- Лойиҳа ишлаб чиқишда;
- Янги маҳсулот ишлаб чиқишда;
- Ғояларни танлашда;

Ақлий хужумни олиб бориш йўлининг алоҳида талаблари мавжуд бўлиб улар қуйидагилар:

Кириш қисмида (5-10 дақиқа) тренер (ўқитувчи) мазмунни тушунтирган ҳолда, услубни қоидалари билан иштирокчиларни таништириб, бажариладиган вазифани тушунтиради.

Иккинчи босқичда (20-40 дақиқа) 5-7 кишидан ташкил топган гуруҳ масалани ечиш учун ўз ғоялари билан бўлишадилар. Яъни гуруҳнинг ҳар бир аъзоси мияга келган ҳар қандай ғояни айтиши мумкин. Ҳеч бир ғоя танқид

килинмайди. Унинг амалга ошиш ошмаслиги билан ҳеч ким қизиқмайди, ғоялар баҳоланмайди. Улар фақат ривожлантирилади.

Тугатиш босқичида эса ғояларни таҳлил қилиб, уларни қайта ишлаш ва танлаш кичик гуруҳларда ўтказилади.

Ақлий хужум ўтказиш учун муҳит қуйидагича бўлиши лозим.


- вақтни тўғри тақсимлаш учун қатъий чегараланган вақт белгиланиши;
- гуруҳ ҳар хил касбга мансуб кишилардан тузилгани мақсадга мувофиқ;
- гуруҳдаги ижобий вазият ва қоидага риоя қилиш ҳақида келишилганлик;
- қоидаларга амал қилинишини кузатиб боровчи бир одамнинг бўлиши;
- ғояларни ёзиб бориш учун бир-икки кишининг аниқланиши.

Интерфаол тарзда дарс ўтилганда ишнинг асосий қисмини ўқувчининг ўзи бажаради, натижада у мавзуни яхши ўзлаштиради. Натижага қараганда ўқувчилар ўқиганларининг 10 % ни, эшитганларининг 20 % ни, кўрганларининг 30 % ни, ўзи мустақил бажарганларининг 90 % ни ўзлаштириб борар экан. Шу ўринда Хитой халқ мақолини келтириш мумкин; “Менга гапирсанг эсдан чиқараман, менга кўрсатсанг эслаб қолишим мумкин, менга ўзимга ишлашга имконият бер, шунда бу батамом меники бўлиб қолади”.[9]

Интерфаол тарзда дарс ўтишнинг афзаллик жиҳатлари шундаки, унда иштирокчилар шунчаки бировларнинг фикрига қўшилиб қўймасдан, балки ўзлари рационал тарзда мустақил фикрлашлари лозим бўлади. Шунинг учун ҳам бундай дарс ўтиш рационалликни, креатив ва ижодий тафаккурнинг ривожланишига олиб келади.

Кўриниб турибдики, таълимда ўйин технологияси ва интерфаол усуллар интеллектуал пасив болаларга ижобий таъсир кўрсатади. Психолог Л.С.Славинанинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики интеллектуал пасив бола анъанавий ўқитиш ҳолатида уддалай олмаган ишини ўйин технологияси натижасида катта ҳажмдаги ақлий ишни бажара олади. Бу жараёнда пайдо бўлган қизиқиш таълим предметиға эмас, ўйинға бўлган қизиқиш деб хайиқиш керак эмас. Қизиқишни ривожлантиришда асосан ҳодисаларға ташқи томондан қизиқтириш, унинг ички моҳиятиға ҳам қизиқишға олиб келади.[10]


Умуман олганда, инсонларнинг рационал ва креатив тафаккурини ривожланишида ақл, тасаввур ва ижод асосий ўринларни эгаллар экан,



уларни ҳам ривожлантириб боровчи машқларини амалга ошириб туриш лозим. Шундай машқлардан баъзиларини келтириб ўтамиз.

Масалан, ушбу расм онгни эслатади. Унга ҳар қараганда янги ниманидир кўриш мумкин. Хўш, унинг маъно-мазмунни қанақа?

Менимча сиз бир неча ҳарф ва рақамларни кўрган бўлсангиз керак. Агар сизга ушбу расмдан латин алифбосидаги 26 та ҳарфни ва 0 дан 9 гача бўлган сонларни кўра олиш мумкинлигини айтсам бу сизда янада изланишни уйғотади. Сиз буларнинг ҳаммасини кўрасиз, чунки улар бу ерда бор. Худди



шундай ақлингизни янги ғояларни яратишга мажбур қилишингиз мумкин.

Иккинчи расмдаги тасвирни сиз ўрдақ ёки куён деб тасаввур қилишингиз мумкин. Агар сиз тасвирга қараб диққатингизни жамласангиз ва нима деб тасаввур қилсангиз ўшани кўрасиз. Лекин бир вақтнинг ўзида иккаласини ҳам кўра олмайсиз. Сабаби сиз буни қандай тасаввур қилишингизга

боғлиқ.[11] Бу ерда тасаввурнинг ўрни катта. Ушбу машқларни бажариш инсон ақлий қувватини ошириш ва креатив тафаккурининг ривожланишига ёрдам беради. Креатив тафаккурга ҳозирги кунда таълим тизимида кенг қўлланилаётган тестни ҳам мисол қилиб олиш мумкин. Чунки тестда берилган жавоб вариантларидан бири тезлик билан танланади. Яъни, нотўғри жавоб вариантлари мантикий равишда инкор этилиб, тўғри жавобга тўхтанилади. Креатив тафаккурнинг ўрни шу ерда маълум бўлади.

Ижодиёт – инсоннинг мантикий билиш ва амалий фаолиятнинг жуда мураккаб жараёнидир. Ижодиёт муаммоси турли фанлар намояндалари эътиборини жалб этиб келган, изланишлари объекти бўлган ва ҳозирда шундай бўлиб келмоқда. Ижодий жараён моҳияти қандай, унинг ўзига хослиги нимада ва тафаккурнинг бошқа жараёнларидан қандай фарқ қилади, каби кўп сонли саволлар, муаммолар тадқиқот объектлари қаторига киради.[12]

Ижодий тафаккурни ривожлантириш учун нималарга аҳамият берилмоғи лозим? Нимага рационаллик ижод учун зарур? Ижод билан кашфиётнинг фарқи қандай?

Ижод – бу ўз аҳамиятига кўра, кашфиётчилик ва ихтирочиликдир. Платон ижодни “Нимаики йўқликдан борликни чиқарса, у ижоддир”[13] деб тушунтирган. Антик дунё файласуфлари ижодни тушунтиришда икки хил ёндашади. Унга кўра, ижод илоҳий ва инсоний бўлади. Илоҳий ижодкорликни тушунтиришда улар космоснинг яралишини олиб қарашади, инсоний ижодкорлик эса санъатда намоён бўлади дейишади. Кашф этиш, ижод жараёни фанга номаълум бўлган объектив ҳодисаларни, хусусиятларни, қонуниятларни очиб, билимлар тизимига туб ўзгаришлар киритади. Ижод жараёнида янги нарсалар пайдо бўлиши билан бир вақтда, инсоннинг ўзи ҳам ўзлигини ўзгартиради, ўзгаради.

Ҳозирги замон фанида ижодиёт – янгиланиш, янгини барпо этиш сифатида тушунилади. Инсон ижодий фаолияти ва табиат “ижодиёти”нинг бир-бирига ўхшашлиги (аналогияси) – бутун тирикликка хос фундаментал тамойил бўлиб, бунинг ташқи ижтимоий шакллари хусусий, лекин сифат жиҳатидан ўзига хос ҳолдир (П.В.Симонов). Масалан, файласуф А.Бергсон

ҳаёт худди инсон онгига ўхшаб ҳар дақиқа бир нимани яратади, дейди. Унинг фикрига кўра эволюция, бу – узлуксиз қайталанувчи ижоддар. Ижодиёт ҳаёт моҳиятини ташкил этади. Ижод узлуксиз янгилааниш сифатида – объектив равишда рўй берувчи ҳодисадир; табиатда – у туғилиш, ўсиш, етилиш; онгда – янги тасаввурлар ва ҳиссий кечинмаларнинг вужудга келиши орқали амалга ошади.[14]

Кашфиёт инсонга дунёни мутлақо бошқача кўриш, нарсаларга янгича назар ташлаш, демак, бошқача фикр юритиш имконини беради. Инсон дунёни, ҳодисаларни бошқача, янгича тасаввур қилади, чунки катта кашфиётлар илмий тасаввурлар тизимини ўзгартириб юборади. Одатдаги тушунчалар тизими ёрдамида кашфиёт қилиш мумкин эмас.

“Кашфиёт – ижодий ҳаракатдир. Унга олдиндан маълум ва таърифлаб бўладиган жараёнларни кунт билан ўрганиш орқали етиб бўлмайди; таъриф бериш қийин бўлган эвристик эҳтирослилиқ импульсига таяниб, биз муаммо ва унинг ечими ўртасидаги узилишни бартараф этишимиз шарт”.[15] Ихтирочилиқ, кашфиёт сингари, ўзининг бошланғич босқичида анъанавий фикр юритишдан мустақил бўлишни талаб этади. Бундай мустақил фикр юритишнинг асоси ҳаёл қилиш, интуициялардир.

Кашфиёт илгари фанга маълум бўлмаган қонуниятлар, ҳодисалар, хоссаларни ўрнатади, мавжуд илмий билимни тубдан ўзгартиради. Ихтиро эса кашфиётга асосланади. Унинг вазифаси кашф этилган ёки фанга маълум қонунларни янги тизимлар, тизимларнинг алоҳида компонентларини яратишдан (ҳаракат алгоритмининг кашф этилиши, ЭҲМ, Интернетнинг ихтиро этилиши ва ҳ.к.) иборат.

Ижод деганда кенг маънода шахс ёки жамиятнинг табиий, ижтимоий ва маънавий олами инсоннинг мақсад ва вазифаларига, унинг эҳтиёжлари истаклари ва имкониятларига мувофиқ равишда ўзгартириш борасидаги бунёдкор фаоллиги тушунилади.[16] Субъектнинг борлиқда фаол ва изчил тарзда янгилик яратиш иродасининг таъсири ижодий фаолиятда ўз аксини топади. Одамлар онги ижод орқали бизни қуршаган олами кузатибгина қолмай, балки уни фаол яратади ҳам. Борлиқнинг сирини билишга интилиши инсоннинг маҳорати, топқирлиги, устмонлиги ва уддабуронлиги билиш жараёнидаги ижоднинг кўринишларини тавсифлайди. Инсон ижод натижасида объектнинг у ёки бу жиҳатлари хоссаларини билади ва унинг натижаларини анализдан ўтказиб, амалий фаолиятида фойдаланиб, олға ҳаракатланади. Субъект билиш қобилиятининг ижодий салоҳияти чексиз, ижодий билиш жараёнининг ўзи эса кўпгина одамлар, айниқса, ижодкор, фаол ёшлар учун беҳад қизиқарлидир. Инсонлар фаолияти давомида ақли ва интуицияси орқали тафаккурида нарса ва ҳодисаларни ассоциациялайди. Масалан, “Тошкент-Ўзбекистон пойтахти”. “Ой Ернинг табиий йўлдоши”. “Товуқнинг тўртта оёғи бор”. Бу сўзларнинг ҳар бири ҳақида кўплаб тўғри ва нотўғри маълумотларга эгамиз. Менимча сиз бирданига биринчи иккита сўз тўғри, учинчиси эса нотўғри эканлигини тушундингиз. Биздаги ассоциациялаш механизми учинчи гапни қабул қилмади. Лекин, сиз кўплаб ҳайвонларда тўртта оёқ борлигини, супермаркетларда товукнинг оёқлари

тўртта қилиб қадоқланганлигини эслайсиз. Барибир сиз бундай маълумотларни қабул қилмайсиз ва тасаввур этмайсиз. Инсон рационал тарзда ассоциациялаш учун бир-бирига яқин ва ўхшаш нарсалар бўлиши лозим. Энди қуйидаги мисоллар орқали фикримизда ассоциациялашни синаймиз. Оддийгина қуйидаги учта сўзни оламиз: **янги, қурилган, уйча**. Ушбу сўзларни бирлаштириб, яъни ассоциациялаштириб турган асосий сўз уй сўзидир. Менимча буни топиш қийин эмас. Энди қуйидаги сўзларга эътибор қилинг: **йўқолмоқ, ёруғлик, ракета**. Ушбу сўзларни тушуниш қийин, лекин 20%дан камроқ одамлар 15 сония ичида бу сўзларни ассоциациялайдиган сўзни топади. Жавоб эса **осмон**. Бу сўзларнинг ҳар бирида ассоциациялайдиган жавоб мавжуд. Аммо, “китоб”, “уйку” ва “тош” сўзларида ассоциациялайдиган бирор умумийлик йўқ.

Умуман рационаллик, ижодий қобилият, ижодкор шахснинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим рол ўйнайди, у ижодкорнинг маънавий қиёфасини белгилайди. Инсонлардаги буюк мақсадларнинг, ғоявий йўналишларнинг, ижодий қобилиятининг кучи ва барқарорлиги асосида унинг ҳаётга муносабати ва ўзига нисбатан талабчанлиги ётади. Кишилардаги ижодий қобилиятнинг кучи уларнинг онги, тафаккури, ақли ва эътиқодлари билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Турли хил таъсир туфайли ижодкорда вужудга келадиган ҳис-туйғулар, ижодий кайфиятлар ижодий қобилиятнинг “энергия манбаи”ни ташкил қилади. Инсоннинг камолотга етишида, илғор иқтисодий механизм ва ижтимоий қурилмалар, замонавий илмий йўналишлар, инновацион технологияларни яратиш ва модернизация қилишда, олимларни интеллектуал жиҳатдан тарбиялаб ўстириш борасида рационаллик ва креатив тафаккурнинг роли каттадир. Шу қаторда рационалликнинг янги қирраларини очишда ёшликдан бир тизимда, мақсадга мувофиқ тарбия бериш, ижодкорликни ривожлантириш, тафаккур ўйинларидан мунтазам фойдаланиб бориш, креатив тафаккурни ривожлантиришда турли хил ўқитиш ва ўйин усуллари кўллаш, креатив тафаккур марказларини очиш яхши самара беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жамиятни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. –Т.; Ўзбекистон, 2007. – Б.98.
2. Лебедев С.А. Уровни научного знания // Вопросы философии. –М.; 2010. №1. – С .64.
3. Қаранг: Абдуллаева М.Н. Илмий ижод-маданиятнинг таркибий қисми // Миллий ғоя ва фаннинг методологик муаммолари. – Т.; 2009. – Б.21.
4. Қаранг: Эвелин Бос. Как развивать креативность.– М.; [Феникс](#), 2008.
5. Қаранг: Ледавских И.А. Анализ проблемы изучения креативного мышления и будущих студентов-психологов // Известия ПГПУ им. П.Г.Белинского. – М.; 2011. №24.–С.1009-1013.

6. Беруний Абу Райҳон. Танланган асарлар. Т.1. –Т.; Фан, 1968. – Б. 22.
7. Абдуллаева М.Н., Инсон маънавий-шахсий моҳиятини шаклланишида илм-фан ва ижоднинг ўрни // Фалсафа ва фанлар методологияси муаммолари. Аллома Омонулла Файзуллаев илмий-назарий ўқишлари материаллари (1-китоб). – Т.; 2010. – Б.49.
8. Бондаренко С.М., Ротенберг В.С. Мозг обучение здоровье. – М.; ”МОКБ «МАРС»”, 1999. –С.47.
9. Қаранг: <http://ped-texnologiya.zn.uz>
10. Қаранг: Бондаренко С.М., Ротенберг В.С. Мозг обучение здоровье. – М.:”МОКБ «МАРС»”, 1999. –С.48.
11. Ушбу расм ва мисоллар Миккало Майклнинг «Игры для разума» китобидан олинган // Майклнинг М. Игры для разума. – Питер., 2007.
12. Қаранг: Абдуллаева М.Н. Миллий ғоянинг илмий-фалсафий асослари. – Т.; 2011. – Б.88.
13. Платон Соч. в 3-х – М.; Мысль, 1972. Т.2. – С.185.
14. Қаранг: Абдуллаева М.Н. Миллий ғоянинг илмий-фалсафий асослари. - Т.; 2011. – Б.89.
15. Полани М. Личностное знание. – М.; 1985. – С.208.
16. Қаранг: Саифназаров И., Никитченко Г., Қосимов Б. Илмий ижод методологияси.– Т.; Янги аср авлоди, 2004. – Б.13.